

Жадид

Tilda, fikrda, ishda birlik!

2024-yil 30-avgust
№ 36(36)
www.jadid-media.uz

Jadid

адабиу, илмиy-ма'рифий ва ijtimoiy haftalik gazeta

СУРУР

БАХТ ВА БИРДАМЛИК БАЙРАМИ



Хар йилги антнага кура, биз кутлуг Истиқолол шодиёналаридан аввал бир нафас тин оламиз, хаёгла толамиз, яқин тарихга назар соламиз. Шунда олис-яқин мозийнинг манзаралари хаёл кўзгусида беихтиёр акслана бошлади. Тарихда ўтган улуг аллома аждодларимизнинг жаҳон илм-фанига кўшган улушлари, инсоният тамаддунидаги тутган ўринлари кўзимизни куонтиради, руҳимизни яйратади. Ифтихор тумиз. Яқин тарихга назар согланимизда эса жадид боборларимизнинг фойдилларини ёдга тушади.

Айни дамда бир муддат қалбимизни маҳзуллик эгалайди. Зотан, машъун қатағон довулига дуч келган миллат ойдинлари, маърифатпарвар жадидлар қисматига хеч биримиз бефарқ бўла олмаймиз. Қайғу аралашган шодлини ҳар ким сезиб, билиб, англаб турди. Қайғуга ботган одам бирдан кувонади. Кувноқ одам беихтиёр ҳазин тортади. Бир вактнинг ўзида вужуд ва руҳда яшин тезлигига кезинган шундай икки сифатли кайфият одамни фикр дарёсига чўмидиради. Шунда аллома жадидларнинг шонли Ватан тараққиётни, миллатни ўйғотиш ўйлидаги хизматлари хусусида ўйлай бошлади одам. Шунда беихтиёр бирдамлик

ва огоҳликча чорлов қўнғироқлари жаранглайди миямизнинг мудроқ ҳужайраларида. Уйномис. Сергак тортамиз, ўнгу сўлимизга боқамиз, ўзимизга, теграмизга теранроқ назар соламиз. Юрақда бир оғриқ ҳам пайдо бўлади. Мустабид тузум замонидаги ёрксиз, адопатиз ва тилзис кунлардан, зулмкор, қонхўр ва қаттол, қўй терисини ёлининг юрган бўриларнинг кипмешларидан надомат чекамиз... Аммо, азизлар, бугун надомат замони эмас! Бугун шукроналик, шодиёна ва фикр замонидир.

Дарвоже, тафаккурга кишиан солинган ўша машъун қатағон даварларида ҳам ўз эл-юрти тақдирiga бефарқ бўлмаган чин зиёлилар

жадидларнинг тирик сатрларига тақорор ва тақорор мурожаат қилди. Эркин тафаккуру шариф муаллиmlар улардан руҳ ва куч-куват олди. Шу боис гоҳи ошкорга ва бальзан зимидан бир-бирларига қараб: "Тириксан, ўлмагансан, Сенда одам, сен-да инсонсен. Кишан кийм, Бўйун эмга, Ки сен ҳам хур туғулғонсен", дея ҳурриятта чорлади. Оре, ор-номисли, мард ўғлонларнинг мудрашга ҳаққи йўқид! Ялқовлар, жоҳиллар, мудроқлар, онғизлар, паллабинлар, локайдлар устида "хўжа бўлмоқ истаган"лар ҳамма замонларда бор эди.

(Давоми 2-саҳифада). >

ДИЛ ИЗҲОРИ

Давлатлар бирлиги – дил яқинлиги

Мен ўзимни озарбайжонлик ўзбекдай ҳис қиламан. Чунки Ўзбекистонга ўз уйимга боргандай бораман, бегоналии ҳис қилмайман. Ўзбекистон билан боғлиқ бир яхши хабар эшишсан, ватаним ҳақида эшиштан мұждам каби қувонаман.

Яқинда Ўзбекистон ва Озарбайжон Президентларининг Иттифоқчилар муносабатлари тўғрисидаги шартномоми имзоланинг ишорагима нурдай курди. Бу ишида қадрдан дўстларнинг кучоқлашиб кўришгани каби самимият бор. Ушибу Иттифоқчилар шартномаси эт билан тирноқдай бир-бира гаплашиб кетган ўзбек ва озарбайжонларнинг дил бирдамлиги бўлиб имзолангани шубҳасизdir.

Қардош ўзбек халқига Мустақиллик байрами муборак бўлсин! Дўстлик ришталарни узилмасин!



Алмаз УЛВИ,
турколог олимма,
Озарбайжон



Абдулхақ РАХИМОВИ,
таджиқотчи,
Афғонистон

Ўзбек ва афғон халқлари бир-бира га ён қўши – жон қўши. Ҳазрат Навоий, шоҳ ва шоир Бобур ҳамда жуда кўп тарихий алломаларнинг иккى юртни ҳам юртимиз деб билгани бугун халқларимиз бирдамлиги ва яхши қўши бўлишига асоссайди.

Кейинги ўйларда кўшиничилигимиз мустаҳкамланиб, ҳам давлатларимиз ўртасида, ҳам халқларимиз орасида борди-келди муносабатлари суръати ортиб бормоқда. Яқин ойларда ўзбекистон ҳукумати вакилларининг Афғонистонга ташрифи, шунинадек, Афғонистон ҳукумати вакилларининг ўзбеклар юртида бўлиб, жуда кўп соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг истиқболи ўйларни бўйича кепишувларга эришганни иккى давлат ўртасидаги дўстлик алоқаларининг ҳамкорлик ва яхши қўшиничилик таомиллари асосида ривожланиб бораётганидан далолатдир. Ўзбекистон ва Афғонистон давлатларининг азалий дўстлиги абдади бўлсин! Халқларимиз тинч-хотиржам бўлсин! Ўзбекистон давлатининг эрки, хуррияти, истиқлоли зəвлə кўрмасин, Мустақиллик байрами муборак бўлсин!

(Давоми 2-саҳифада). >

ТАҚДИМОТ



САБОТ СИНОВИ

Кечада Ёзувчилар уюшмасида таникли шоира, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Шарифа Салимованинг "Қабоҳат салтанати ёхуд кор қўйинида лолалар" номли шеърий романи тақдимоти бўлиб ўтди. Асар ўтган асрнинг муддиш қатағони курбонлари хотирасига бағишиланган. Унда беайб жазога тортилган, тўхматга учраган юртдошларимизнинг фохиали қисмати тасвирланган.

Тадбирда таникли ёзувчилар, адабиётшунос олимлар, маданият ва санъат намояндалари иштирок этиб, асар ҳақида фикрларини билдиришиди. Кўйида Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуровнинг мазкур роман тўғрисидаги мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

ТАҲРИРИЯТ

XX аср 20-30 йилларида ҳалқимизнинг асил фарзандлари бошидан кечирган ўта оғир фожиалар ҳақида шеър билан ёзилган катта ҳажмадаги асарни ўқиркан, ҳар қандай асаби мустаҳкам, иродаси

метин одамнинг ҳам бу воқеалар таъсирида битган-битмаган жароҳатлари қайтадан янгиланади.


(Давоми 2-саҳифада). >



муборак бўлсин!

ОЛИМПИАДА ИЛҲОМЛАРИ

Яқинда Франциянинг Париж шаҳрида бўлиб ўтган XXXIII ёзги Олимпия ўйинларидан мамлакатимиз атлетлари бекиё маҳорат, матонат ва иорда кўрсатиб, миллий спортизм ривожига янги саҳифа очди. 13 медални кўлга киритиб Ўзбекистонни дунё бўйича 13-ўринга олиб чиқди. Спортиларимизнинг олам-шумул ютуқлари юртимизнинг юқсак салоҳияти, куч-кудрати ва улкан имкониятларини яна бир бор дунёга намоён этиди.



"ОЛИМП УЗРА ҲИЛПИРАР ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОГИ"

Ушбу юқсак ғалаба Ватанимиз мустақилларининг ўттиз уч йиллигига атлетларимизнинг тӯёнаси бўлди. Музаффар юришлардан илҳомланган қалам аҳлининг юрагида жўш урган ғурур ва ифтихор туйгулари шеър дил изҳорларига айланниб, мўъжаз бир тўплам шаклини олди.

Жорий йилнинг 28 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Парижда бўлиб ўтган XXXIII ёзги Олимпия ўйинларидан иштирок этган Ўзбекистон спорт делегацияси вакиллари билан учрашувда ушбу совғани қаҳрамонларимизга тортқи қилиди ва бу ҳақда шундай деди:

"Олимпиадачиларимизнинг буюк ғалабаси бутун ҳалқимиз қатори ижод аҳлини – шоурлар ва журналистлар, санъаткор ва блогерларни ҳам руҳлантириб юборди. Сизларнинг шаънинеизга атаб ўнлаб шеърлар, мақолалар ёзилди, ҳамто чёт элларда ҳам кўшиқлар кўйланди. Бу тарихий воқеяга бағишил, Ёзувчилар уюшмаси томонидан "Олимп узра ҳилпирар Ўзбекистон байроғи"

деб номланган янги китоб куни кеча нашрдан чиқди.

Буғун сизлар каби қаҳрамонларимиз жасорати тараннум этилган ушбу китобни ҳар бирингизга эсадлик соғаси сифатида тақдим этар эканмиз, ижодкорларимизга ҳам, албатта, раҳмат айтамиз.

Президентнинг бу эътирофи мазкур нашрнинг нуфузи ва қийматини янада оширади. Спортиларимиз кўлга киритиладардан ғалабалардан кувонган қўшни давлат етакчиларидан тортиб, таникли намояндаларгача ўз дил изҳорларини билдиришган.

Тўпламга жаҳон оммавий ахборот воситаларида спортиларимизнинг ютуқлари тўғрисида эълон қилинган энг сара мақолалар ҳам киритилди.

Китоб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси хомийлигидаги "Jod nashr" нашриётидан чоп этилди.

Бу китоб қалам аҳлининг Истиқлолийимизнинг ўттиз уч йиллиги байрамига муносиб тухфаси бўлишига ишонамиз.

Фозил ФАРХОД

31 АВГУСТ – ҚАТАФОН ҚУРБОНЛАРИНИ ЁД ЭТИШ КУНИ

МИЛЛАТ ФИДДИЙЛАРИ:

МУҲАММАДХОН ҲЎЖАЕВ

Қаҳрамонимиз Муҳаммадхон Ҳўжаев 1898 йили Кўқон шаҳрида тикувчи-хунарманд оиласида туғилган. Миллати ўзбек. Дастлаб, Кўқон шаҳридаги татар мактабида, сунгра рус-тузем мактабида таҳсил олган. Тоҳик, рус тилларида ёркин сўзлашган. 1908-1912 йилларда жадид мактабида ўқиган. Мактабни тамомлаб, хонадонида жадид мактаби очиб, кўшиниларига сабоқ берган. 1916-1918 йилларда Андижонда Аҳмадбек ҳожи Темирбековнинг пахта тозалаш заводида таржимонлик килган. 1920 йилдан бошлаб Туркистон АССР Аддия ҳалқ комиссарлигига ишга ўтган. 1920 йилдан 1923 йилга қадар Самарқанд вилояти Ҳўжанд уездидаги ҳалқ суди котиби, 1923 йилдан Фарғона облассида ҳалқ судида ҳалқ терговчиси лавозимларида ишлаган. 1927 йили катта терговчи этиб тайинланган. 1928-1929 йиллари Фарғона вилоят прокуратурияси терговчи, 1930-1932 йиллари Кўқон трикотаж саноати уюшмаси бошқарув котиби вазифасида хизмат қилган.



1931 йили ЎзССР Олий суди прокурори Шамсиддин Бадриддинов ва "Бадридиновчилик" гурухи, аввалроқ эса, "Қосимовчилик", "Оғаликовчилик" ишлари бўйича ўтказилган суд мажлислирида кўплаб аддия органлари ходимлари қаторида Муҳаммадхон Ҳўжаев ҳам айборд деб топилиб, қатағон домига тортилган. У дастлаб, олий жазо – отувга ҳуқум қилинган, аммо кейинроқ отув хуқуми 10 йиллик меҳнат-тузатув лагерида ҳамоқ жазосини ўташа ўзгартирилган. Қаҳрамонимиз 1932 йил Урал ўлқасининг Красновищерск худудида жойлашган меҳнат-тузатув лагерига жазони ўташ учун этап қилинган.

(Давоми 7-саҳифада). >



Ўзбекнинг бошига қўнади ҳумо, Дунё шарафлайди Ўзбекистонни!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг яқинда эълон қилинган “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз уч йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият, санъат соҳалари ва оммавий ахборот воситалари ходимларидан бир гурӯҳини мукофотлаш тўғрисида”ги фармонига биноан, бир қатор ижодкор зиёдилар нуғузли давлат мукофотлари билан тақдирланди. Тақдирланган барча ижодкорларга мукофотлар муборак бўлсин!

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” фаҳрий узвони билан:
Исмоил Маҳмуд – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир, Фарғона вилояти;
“Дўстлик” ордени билан:
Неъмат Арслон – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи, Тошкент вилояти;
Бобур Бобомурод – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир;
Қурбон Муҳаммадризо – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи, Хоразм вилояти;

Оразбай Сатбаев – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир, Қорақалпогистон Республикаси;
Нафас Шодмон – Қарши давлат университетининг ўзбек мумтоз адабиёти кафедраси мудири, Қашқадарё вилояти.
“Шуҳрат” медали билан:
Абдунаби Бойқўзи – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир;
Ахтамкул Карим – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир;

Ҳакимжон Каримов – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, адабиётшунос;
Туроб Ниёз – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир;
Ибодат Ражабова – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира, Бухоро вилояти;
Вафо Файзулоҳ – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир;
Зилола Ҳўжаниёзова – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира.



Вафо ФАЙЗУЛЛОХ

КЎЧАЛАРГА СУВ СЕПДИ ЁМГИР

Кўчаларга сув сепди ёмгир,
Юрагимни этди озода.
Яшнаб кетди кувраган қадр,
Кўнгил мукка тушган, дуода:

Орзуларим уйғот қайтадан,
Карамингдай қўксими кенг қил!
Қулогингга бир сир айтаман:
Дунё қирмиз танҳо атиргул

Ийиллар, асрлардан кутилган,
Сеъги билан ютурик қони,
Мардона бир жонга тутилгай,
Ҳар нарсадан ортиқ иймони.

Балки мендир ўша соҳибахт,
Балки сендири шуълали қалблар.
Қурилганча интизордир тахт,
Идрокини кўллаган Рабби!

Ким бўлса ҳам саодатда шоҳ,
Не бўлса ҳам муждадир ёмгир!
Бу қисматсиз яшамоқ гуноҳ...
Бу қисматга чидаш хўб оғир...



ТЕМУРБЕКЛАР

Темурбеклар мактаби ўқувчиларига

Қанотлари қайрилмай,
Сор бўлсин, темурбеклар!
Қаторлари айрилмай,
Бор бўлсин, темурбеклар!

Душман кўрганда сизни
Қадомласин тик кўзни.
Сочлари, илиб тузни –
Қор бўлсин, темурбеклар!

Мардлик гурурдан нишон,
Дейсиз: “Юрт, менга ишон!”
Кўкрагингиз тўла шон,
Ор бўлсин, темурбеклар!

Боболардан мерос шаҳд,
Ватан меҳри – олий аҳд.
Сизга омад, сизга бахт
Ёр бўлсин, темурбеклар!

Қанотлари қайрилмай,
Сор бўлсин, темурбеклар!
Қаторлари айрилмай,
Бор бўлсин, темурбеклар!

Кўксимиизга илсак юрт яловини,
Биз бутун бир танга айланажакмиз.
Доим кўллагайдир аждодлар руҳи,
Бил, буюк Ватанга айланажакмиз.

Қачонки, жонимиз айласак фидо,
Юксалар миллатнинг гурури, шони.
Ўзбекнинг бошига қўнади ҳумо,
Дунё шарафлайди Ўзбекистонни!



Абдунаби БОЙҚЎЗИ

ТЎРҒАЙ

Чўллонга

Сен
Қўёшли севардинг, Тўрғай,
Хаёт лаззатидан ортиқроқ,
Сен
Тонгни севардинг, ҳайикмай
Парвоз этдинг юксак ва қўнноқ.

Нурга ташна эди қўзларинг,
Отилдинг, жаҳд билан зиёға.
Уфқлардан сўқмоқ изладинг,
Бўзладинг сен кўм-кўй хавода!

Парчаланиб кетди орзулар – сароб,
Ногаҳон қуладинг қоялар аро.
Совуқ деворларни сийпалаб ёғду
Дилгир энтиқади – мотамсаро.

Тўрғайжон, сен ўлдинг күёшни ичиб,
Қора қарғаларнинг кўнглини хушлаб.
Энди... Қўшиқларинг борадир учиб,
Бургутларни курашга бошлаб!



Ахтамкул КАРИМ

Келдим, мени кутлар тогу тошларим,
Ийиллар пешонамага гилдирак сурди.
Дардими уқмаган қариндошларим
Дунё айвонида дардсиз юргуди.

Осмон осилибди борликни кучиб,
Чўқиллар кафтида титрайди најот.
Ўтдим сўқмоқлардан бургутдек учиб,
Дилни согинчзорга боялади хаёт.

Онам олиб кетди сарғайган кузни,
Қоғозларда ғамгин байтларим унди.
Отам қувляяти қалтираб юзни,
Сўнгиги танҳолликса сирдош тутинди.

Қувноқ болаликнинг тотли дамлари
Мени хотиралар домига отди.
Оқизган кулчамнинг ширин таъмлари
Топган ҳаловатим завқин йўқотди.

Ҳануз баландларда юрибман бело,
Шамол увлайти қайраб изимдан.
Юлдузлар йўлумидан ёғилган дуо,
Ўзид кетяпман сўзсиз ўзимдан.

Қоғозга тўкаман туннинг рангини,
Оймомо ўйловдан озиб кетади.
Қаламнинг шеър сўраб қўлган жангини
Фалак манглайимга ёзиб кетади!



Зилола ҲЎЖАНИЁЗОВА

ВАТАН ЎҒЛОНЛАРИГА

Эй Турон фарзанди, музофғар ўғлон,
Ватаннинг элтузар мард посбони бўл.
Енгилмас шаҳдингни кўрсинг бор жаҳон,
Юрт тинчлигин асрса, зўр қалқони бўл.

Дейдиларки, от изини той босар,
Кун келиб тойларки, туллор бўлажак.
Эрман деган мардлар бўй кўрсатса гар,
Қораният ёвлар бедор бўлажак.

Жалолиддин, Кубро, Широқлар қайтар,
Зулматда қолмайди эрк истаган ҳалқ.
Адолат яловин баландроқ кўттар,
Ўзига бек бўлган миллат бўйлиб қалқ.

Душманиндан кўркма, мунофиқдан кўрк,
Ўзагингдан унган хоинлар ёмон.
Бошинг бирикмаса, тор келганда бўрк,
Баайни, жаҳаннам бўлар тўрт томон.

Оқилларда йўрик бўлмаса азал,
Жоҳилларнинг билки, тугади куни.
Гумроҳ бемаслак элдан гил афзал,
Муқаддас заминнинг тутади хуни.



Туроб НИЁЗ

ҒАЛЛАОРОЛ ШАМОЛИ

Тонг отиб очилади қышлогимнинг жамоли,
Ўша онда бошланар Ғаллаорол шамоли.

Бир зум бўлсан тинмайди унинг “fir-fir” овози,
Қўёш ботди дегунча таққа тўхтар парвози.

Мен уни соғинаман шаҳарда юрган чоғлар,
Қўз олдимга келади кўкни кўттарган тоғлар.

Арғумоқдай югуриб юргандай туюлади,
Мен борсам чопиб келар – нақадар суюнади.

Багрига олар мени энг яқин одам каби,
Сочларимни силайди меҳрибон онам каби.





ТАШКИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

*юртдошларимизни
энг улуғ ва энг азиз байрам –*

**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
33 ЙИЛЛИГИ**

*билин муборакбод этади.
Хонадонларингиздан
қут-барака аримасин,
азиз ватандошлар!*

*Юртимиз ҳамиша тинч,
осмонимиз мусаффо бўлсин!*

ТАРМОҚЛАРДА НИМА ГАП?



Уйда тўй қилишни мўлжаллаган одам тўйдан уч-турт кун аввал қандай ҳаяжонда бўлиши фақат унинг ўзигагина маълум бўлади. Уни чиройли ўтказиш учун ҳар хил безаклар, турли декорациялар кидириб, хаёланган уларни жойлаштириб ҳам чиқади. Мен ҳам икки кундан сўнг бўйиб ўтдиган шундай бир улкан тўй олдида турибман. Бу тўй нафақат менинг уйимда, балки бутун мамлакатимизда кувонч билан нишонланади. Бу ўша – устоз шоир Абдулла Орипов таъбири билан айтганда “елкамизга офтоб теккан” кун.

БАЙРОҚ – ВАТАН ТИМСОЛИ

Шоир чексиз кувонч билан дейдики:
Адолатнинг ҳәётбахш шамоллари елдими,
Ҳақ ниҳоят ҳалқимнинг аризин қабул қўлдими.
Нече йиллар орзиқиб кутган кунлар келдими,
Елкамизга офтобнинг текканичи

рост бўлсин,

Ўзбекни ўз ниҳолин экканлиги рост бўлсин...

Бугун мана шу порлок келажагимизга умид ниҳолини қадаганимизга ўттиз уч йил тўлди. Бу бир кўркам йигит, бир сувлув қиз умри. Бу бир эртани куни порлок мамлакатининг мустаҳкам эътиқод билан минг машақатлардан ўтиб, ривожланиб бораётган даврига кетган вакътир.

Хуллас, эрталаб ишга кетиши олдидан мана шу ўттиз уч йиллик шодиёнанинг кувончу ифтихорини тўлаифодлаш беришига қодир декорация ҳақида ўйлай бошладим. Қаердан? Пойтахтимиз кўчаларидан. Шунда гўзсан манзара диккатимни торти: светофорнинг қизил чироғида бир машина тўхтаб турибди. Унинг орқа сийнасида муҳташам юрт байроги. Остида эса “Ўзбекистон – менинг Ватаним!” деган ёзув.

Менинг эътиборимни ўзига тортган тарафи, юрт байроғи жилоси эди. Кўз олдидан кўп нарсалар ўтди. Ҳаж зиёратини ният қўлиб йўлга чиқсан водийлик бир отахон велосипедига байробимизни қадаб олганди. Отахон то манзилга етгунча нечта давлат сарҳадларидан ўтади. Шу бир байроқ тимсолида отахоннинг ўзбекистонлик эканидан кўнглида ғурур жўш урганини кўриш мумкин.

Беихтиёр тилга чиқмас ҳиссият тўлқинлантириб юборди. “Воҳ” дедим, машиналарга, великларга, телефон филофарига, ҳаттоқи футболкаю кепкаларга туширилган байробимиз расми кўз олдимга келди. Гузал манзара, тўртими? Чет элларга имму изланиши мақсадида кетган ҳамюрларимиз ҳам түғилиб ўсган ерини согиниб, унинг рамзи бўлган байроқни доим ёндан кўймай олиб юришига интилишиди. Ўзбеклар дунёга чиқаётганини ижтимоий тармокларда куизати инсонга ўзгача завж беради.

Байроқ ҳар миллатнинг эътиқодини, орзу-максадини, кимлигини кўрсатиб тургувчи муҳим тимсолидир. Ўзбекистонимиз қадар юксалиб бораётган Ватан байроғини светофорнинг қизил чироғида тўх-

таб турган айни чогимда гувоҳ бўлган ҳолатидан сўнг чандон-чандон кўпроқ севдим. Эврика! Ҳа, мен топдим, тантана безагини топдим. Ўзингиз ўйланг, шундай гўзл манзарадан бўлак яна қандай безак борки, тўйга алоҳида кўрк бериб турса?! Бугуноқ Ватанимизнинг юрагимга ўйиб туширилган байроғини ўз уйимга олиб бориб иламан. Ажабтовор ҳиссиятлардан тўлқинланниб кетдим. Энди шу ишини бажармагунча қани менинг қалбимда тинчлик бўлса.

Ватанинг соғ ҳаёсисидан
нафас олмоқ шараф менга,
Унинг кўркам жамолига
назар солмоқ шараф менга.

Ватан тупроғида мангу
яшаб қолмоқ шараф менга,
Саодатли дўйрим – Ўзбекистон омон бўлсан!

– дэя шоир битган мисраларни такоррлайману тинчлигимизнинг, пурвиқорлигимизнинг бокий бўлишини ният қиласман. Азизлар, барчангизга кутлуг тўйимизнинг ўттиз уч йиллиги муборак бўлсин!

Моҳирбек ҚЎЧКОРОВ,
Фейсбуқ

Jadid
адаби, ilmий-maʼrifiy va ijtimoiy hafoliq gazeta
Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУЧИЛАР УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА МАЊАВИЯТ
ВА МА҆РИФАТ МА҆РКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ
ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ
ЖАМОАТ ФОНДИ

“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ”
ЖАМОАТ ФОНДИ

Бош мұхаррір:
Иқбол Мирзо
Бош мұхаррірнің
бірінчі ўринбосари:
Хұмюн Ақбаров
Масъұл котиб:
Шухрат Азизов
Навбатчи мұхаррір:
Гулчехра Умарова
Саҳиғаловчилар:
Әркін Ёғдоров
Нигора Тошева

Таҳририятга юборилган
мақолалар мұаллиға
қайтарилмайды ва улар
юзасидан изоҳ берилмайды.

Газета 2023 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 195115 рақам
билин рўйхатга олинган.

Кирил ёзувидаги адади – 5 924
Лотин ёзувидаги адади – 11 924
Медиа кузатувчилар – 20 009
Буюртма: Г – 839
Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.
Нащр кўрсаткичи – 222.
Ташкиллар учун – 223.
1 2 3 4 5 6



Манзилимиз:
Тошкент шаҳри,
Шайхонтохур тумани,
Навоий қўчаси, 69-йй

Телефонлар:
Қабулхона: (71) 203-24-20
Девонхона: (97) 745-03-69
jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17
Jadid_gazetas@exat.uz

“Шарқ” наширёт-матбাসи
акциядорлик компанияси
босмахонаси.

Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон қўчаси, 41-йй.
Босишига топшириш вақти: 21:00
Босишига топширилди: 20:45
Сотувда нархи эркин.

QR code
jadid-media.uz